

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАХИМОВ СОБИР ЗИЯДУЛЛАЕВИЧ**

**НОМУТАХАССИС ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ УЧУН АХБОРОТ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН МУЛЬТИМЕДИАЛИ ДИДАКТИК  
ВОСИТАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ**

**13.00.01 - Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Рахимов Собир Зиядуллаевич**

Номутахассис таълим йўналишлари учун ахборот технологияларидан  
мультимедиали дидактик воситаларни шакллантириш механизмлари ..... 3

**Рахимов Собир Зиядуллаевич**

Механизмы формирования мультимедийных дидактических средств для  
образовательных направлений неспециалистов по информационным  
технологиям ..... 23

**Rakhimov Sobir Ziyadullaevich**

Mechanisms formation of multimedia didactic means for information  
technologies for non-specialized directions ..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 45

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАХИМОВ СОБИР ЗИЯДУЛЛАЕВИЧ**

**НОМУТАХАССИС ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ УЧУН АХБОРОТ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН МУЛЬТИМЕДИАЛИ ДИДАКТИК  
ВОСИТАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ**

**13.00.01 - Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Ped1284 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<http://samdu.uz/ixtisoslashgankengash>) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Тайлаков Норбек Исақулович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Ҳамидов Жалил Абдурасулович**  
педагогика фанлари доктори, профессор  
**Ибрагимов Аъламжон Амриллоевич**  
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот: **Урганч давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.01.2021.Ped.02.06 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «22» 01 соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366)239-12-29, факс: (0366) 239-13-87, e-mail: kengash-pf@samdu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (2-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366)239-12-29, факс: (0366) 239-13-87).

Диссертация автореферати 2022 йил «8» 01 да тарқатилди.  
(2022 йил 08» 01 даги 15 -рақамли реестр баённомаси)



**Х.И.Ибраимов**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий Кенгаш раиси,  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Ш.Р.Ураков**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш котиби,  
фалсафа доктори (PhD) пед. ф.б.

**Н.Ш.Шодиев**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,  
педагогика фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда жамият ахборотлашуви тенденцияларига мос равишда замонавий дидактик воситаларни таълим жараёнига кенгроқ жорий этиш ва уларнинг самарадорлигини янада оширишга алоҳида йўналиш сифатида қаралмоқда. Ривожланган мамлакатларга хос глобал таълим муҳитини шакллантиришга илмий ёндашувлар контекстида таълимнинг узлуксизлиги ва амалий йўналганлигини таъминлаш, мустақил таълим олиш, ижодий ривожланишга йўналтириш асосий омил ҳисобланади. Шу жиҳатдан, илғор таълим муассасалари томонидан ўқитишнинг янги шакллари ривожлантиришда замонавий дидактик воситаларни яратиш ва улардан фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш муаммоларига алоҳида ёндашиш кузатилади.

Дунё миқёсида мультимедиа технологияларини жадал ривожлантириш, турли узлуксиз ахборотларни жамлаш, уларни таълим элементлари билан бойитиш, ахборот технологияларининг назарий масалалари, турли соҳаларда қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари, ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш механизмлари, электрон дарсликлар яратишни такомиллаштириш омилларига оид изланишлар амалга оширилмоқда. Шунинг билан биргаликда мультимедиа воситаларидан амалий фойдаланиш, таълимнинг барча турларига замонавий дидактик воситаларни тадбиқ этиш лойиҳа ва илмий тадқиқотлар нафақат ахборот маконининг кўринишини ўзгартиришга, балки сифатли ҳамда мақсадли ўқув жараёнини тўғри ташкил этилишига имкониятлар яратмоқда.

Мамлакатимизда олий таълим муассасаларида таълимни ташкил этишнинг дастурий-методик таъминоти, бўлажак педагогларни тайёрлашнинг миллий ва жаҳон таълим тажрибасига асосланган ташкилий-педагогик механизмларини такомиллаштириш орқали мамлакатимиз интеллектуал ресурслари потенциалини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш, таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш”<sup>1</sup> каби устувор вазифалар белгиланган. Шу жиҳатдан, республикамиз олий таълим муассасаларида номутахассис таълим йўналишлари учун мавжуд мультимедиа дидактик воситаларнинг илмий-методик жиҳатларини тадқиқ этиш, ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларини яратиш ва қўллаш технологияси асослари ва тамойилларини, уларнинг умумий тузилмаси ҳамда ўзига хос хусусиятларини аниқлаштириш,

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда; 20-сон, 354-модда; 23-сон, 448-модда.

электрон дарсликлар яратиш ва улардан фойдаланиш тавсияларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сон “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 июлдаги 571-сон “Самарқанд давлат университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** МДХ ва Россия Федерацияси олимлари Т.А.Гудкова, Г.Л.Абдулғалимов, М.М.Абдуразақовларнинг докторлик диссертацияларида бўлажак информатика фани ўқитувчисини тайёрлаш методикаси масаласи кенг ёритилган.

Бугунги кунда МДХ ва Россия Федерациясида кенг фойдаланиб келинаётган ўқув адабиётлари, жумладан дарслик ва ўқув қўланмалар М.А.Абросимова, И.Г.Акперов, Л.И.Алешин, В.С.Алиев, К.В.Балдин, В.М.Вдовин, М.В.Гаврилов, М.А.Венделева, А.М.Ветитнев каби олимлар томонидан яратилган. Мазкур ўқув қўланмалар ва дарсликларда ахборот технологияларининг назарий масалалари, турли соҳаларда ахборот технологияларини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган. Хусусан, М.А.Абросимова давлат бошқарувида ахборот технологияларини, И.Г.Акперов ва К.В.Балдин менежмент соҳасида ахборот технологияларини, М.А.Венделева бошқарувда ахборот технологияларини, В.М.Вдовин солиқ соҳасида ахборот технологияларини, М.В.Гаврилов бозор иқтисодиётида ахборот технологияларини, А.М.Ветитнев ижтимоий-маданий ва туризм соҳасига ахборот технологияларини жорий этиш масалаларини ўрганган.

Таълимда ахборот технологиялари, интерфаол усуллар ва мультимедиадан фойдаланиш масалаларини тадқиқ этишга россиялик Б.Б.Андресен, Г.М.Киселев, В.М.Красильникова каби олимларнинг ишлари бағишланган.

Республикамизда таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш, электрон дарсликлар яратиш масалалари билан Н.И.Тайлаков, Г.А.Расулова, Қ.Т.Олимов, М.Н.Цой, Р.Х.Джураев каби олимлар шуғулланишган. Таълимда ахборот технологиялари, интерфаол усуллар ва мультимедиадан фойдаланиш масалалари М.Х.Лутфиллаев, Р.Х.Жўраев, З.Ильясова, С.Турсунов, Н.Хайтуллаева, Н.И.Тайлаков, У.Бегимқулов, Р.Хамдамов, Т.Шоймардонов ва М.Файзиев каби олимларнинг илмий ишларида шарҳланган.

Хорижий мамлакатларда J.Klug, S.Gasson; K.Zeichner, S.Wray, M.Danimir, J.Gordana, G.Jausevac, L.Vladusic, A. Mandic, M.Zaleski каби олимларнинг ишларида информатика ва ахборот технологияларидан ўқув адабиётлари, дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш, олий таълим ўқув жараёнини такомиллаштиришда ахборот технологияларидан фойдаланиш муаммолари ёритилган.

Шунга қарамай, олий таълим тизимида ахборот технологиялари билан боғлиқ фанларнинг ўқитилиши кўп қиррали муаммоли масала эканлигини ҳисобга олган ҳолда, мультимедиали дидактик воситалар яратиш ва улардан таълим жараёнида фойдаланиш методикасини такомиллаштириш долзарб вазифа эканлиги келиб чиқмоқда.

**Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Замонавий ахборот тизимлари, бошқариш ва таълим учун ахборот телекоммуникация технологияларини кенг кўламда ривожлантириш ва қўллашни таъминловчи интеллектуал воситалар, маълумотлар базалари ва дастурий воситаларини ишлаб чиқиш” мавзуси доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқот мақсади** олий таълим муассасаларида номутахассис таълим йўналишлари учун ахборот технологияларидан мультимедиали дидактик воситаларни шакллантириш ва ундан таълим жараёнида фойдаланиш механизмларини такомиллаштиришдан иборат.

#### **Тадқиқот вазифалари:**

хорижий ва республикамиз таълим тизими учун яратилган ахборот технологияларидан мультимедиали дидактик воситаларни яратиш ва уларни таълимга жорий этиш йўналишидаги ишларни таҳлил этиш орқали мультимедиали дидактик воситаларнинг тузилиши ва мазмунига, яратиш мезонлари ва бошқичларига қўйиладиган педагогик талабларни такомиллаштириш;

олий таълим муассасалари номутахассис таълим йўналиши талабаларини ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларини яратиш ва қўллаш технологияси асослари ва тамойилларини, уларнинг умумий тузилмаси ҳамда ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

олий таълим муассасалари номутахассис таълим йўналишлари учун мультимедиали дидактик воситалар яратиш ва улардан фойдаланиб маъруза,

амалиёт дарсларини олиб бориш бўйича илмий асосланган услубий тавсиялар ишлаб чиқиш;

яратилган мультимедиали дидактик воситалар асосида педагогик таҳлил, синов ишларини ташкил этиш методикасини ишлаб чиқиш, қўллаш ҳамда уларнинг самарадорлигини тажрибада аниқлаш.

**Тадқиқот объекти** сифатида Олий таълим муассасаларида номутахассис таълим йўналишлари учун ахборот технологияларидан мультимедиали дидактик воситаларни шакллантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларида Самарқанд давлат университети, Жиззах давлат педагогика институти, Бухоро давлат университетининг 494 нафар респондент-талабаси иштирок этган.

**Тадқиқот предмети** олий таълим муассасалари номутахассис таълим йўналишларида мультимедиали дидактик воситалар асосида “Таълимда ахборот технологиялари” фанини ўқитишнинг мазмуни, воситаси, метод ва шаклларида иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда педагогик кузатув, танқидий-қиёсий таҳлил, сўровнома, тест, тажриба-синов, математик-статистик таҳлил, натижаларни умумлаштириш усулларида фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

олий таълим муассасалари ўқув жараёнида мультимедиали воситаларидан фойдаланишнинг педагогик имкониятлари дарс жараёнида медиа воситалари орқали ахборотни узатиш ва дидактик масалаларни ечиш усуллари, ундан фойдаланишнинг педагогик мақсадлари мазмунини очиб бериш асосида аниқлаштирилган;

мультимедиали дарслик яратишга қўйиладиган психологик-педагогик талаблар таркиби дидактик воситаларнинг мотивацион таъсирга эга интерфаол мезонларни (ўқитиш ҳамкорлиги, билимлар базаси, ортга қайтиш) киритиш асосида такомиллаштирилган;

электрон дарсликларни педагогик лойиҳалаш босқичлари мультимедиа воситаларини тузилмавий таснифлаш (функционал мақсадга кўра, ўқитиш воситалари ва тизимларига кўра) ҳамда педагогик фаолият кўринишлари бўйича туркумлаш (чизиқли, гиперматнли, қўлланмалли, яратиш) асосида такомиллаштирилган;

олий таълим муассасалари номутахассис таълим йўналишлари учун “Таълимда ахборот технологиялари” фанининг илмий-услубий таъминоти модуллашган электрон дастурий воситаси ва мультимедиали электрон дарсликдан фойдаланиш методикасини ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

мультимедиали дидактик воситаларнинг тузилиши ва мазмунига, яратиш мезонлари ва босқичларига қўйиладиган педагогик талаблар такомиллаштирилган;

олий таълим муассасалари учун “Таълимда ахборот технологиялари” фани бўйича мультимедиали дидактик воситалар комплекси яратилган;

олий таълим муассасаларида мультимедиали дидактик воситалардан фойдаланиш методикаси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланган ёндашув усуллар ва маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, саралаб олинган манбаларнинг репрезентативлиги ва ишончлилиги, келтирилган таҳлиллар ва педагогик тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик усулларига асосланганлиги, хулоса ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқотнинг натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олий таълим муассасалари учун мультимедиали дидактик воситалар яратишга қўйиладиган талаблар назарий-педагогик жиҳатдан асосланганлиги, мультимедиали дидактик воситалар яратиш босқичларининг мезонлари ишлаб чиқилганлиги, ОТМлар учун “Таълимда ахборот технологиялари” фанидан мультимедиали дидактик воситалар яратилганлиги ҳамда ундан таълим жараёнида фойдаланишнинг методик асослари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти мультимедиали дидактик воситаларни яратишга қўйиладиган педагогик талаблар, мультимедиали дидактик воситалар яратишда таяниладиган дидактик тамойиллар, яратиш босқичлари ҳамда мезонлардан туркум дидактик воситаларни яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Номутахассис таълим йўналишлари учун ахборот технологияларидан мультимедиали дидактик воситаларни шакллантириш механизмлари бўйича олинган илмий натижалари асосида:

олий таълим муассасалари ўқув жараёнида мультимедиали воситаларидан фойдаланишнинг педагогик имкониятлари, дарс жараёнида медиа воситалари орқали ахборотни узатиш ва дидактик масалаларни ечиш усуллари, ундан фойдаланишнинг педагогик мақсадлари мазмуни, мультимедиали дарслик яратишга қўйиладиган психологик-педагогик талаблар, дидактик воситаларнинг мотивацион таъсирга эга интерфаол мезонларга оид таклифлар А5-037 рақамли “АКТ соҳасидаги касб-хунар коллежлари учун масофавий таълим электрон тизимини ишлаб чиқиш” (2015-2017 йиллар) мавзусидаги амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 17 сентябрдаги 89 03 3366-сон маълумотномаси). Мазкур лойиҳа доирасида касб-хунар таълим муассасалари учун масофавий таълим ресурслари ишлаб чиқилган ва электрон бошқарув тизими жорий этилган;

олий таълим муассасалари номутахассис таълим йўналишлари учун “Таълимда ахборот технологиялари” фанининг илмий-услубий таъминоти, модуллашган электрон дастурий воситаси ва мультимедиали электрон дарсликдан фойдаланиш методикасига оид таклиф ва тавсиялар асосида олий таълим муассасалари номутахассис таълим йўналиши 5111700-Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш бакалавриат таълим йўналиши учун “Ахборот

технологиялари” фанидан ўқув қўлланма яратилган. (Самарқанд давлат университетининг 2020 йил 30 ноябрдаги 4-сон қарорига асосан 262-сон нашр рухсатномаси). Мазкур қўлланма номутахассис бакалаврият таълим йўналишлари талабаларининг мультимедиа ресурслари билан ишлаш малакаларини ошириш, мультимедиали дидактик воситалар яратиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилган;

электрон дарсликларни педагогик лойиҳалаш босқичлари мультимедиа воситаларини тузилмавий ҳамда педагогик фаолият кўринишлари бўйича туркумлашга оид таклифлар асосида “Таълимда ахборот технологиялари” фани бўйича мультимедиали электрон дарслик ишлаб чиқилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 17 сентябрдаги 89 03 3366-сон маълумотномаси). Мазкур электрон дарслик талабаларнинг ахборот технологияларга оид билимларини мустаҳкамлаш, мустақил таълим олишларини қўллаб-қувватлаш, ўз-ўзини назорат қилиш имкониятларини кенгайтирган.

#### **Тадқиқот натижаларининг апробацияси.**

Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, шундан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, 134 саҳифа матн, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва тузилиши бўйича маълумотлар баён этилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**ОТМларнинг номутахассис таълим йўналишлари учун ахборот технологияларидан мультимедиали дидактик воситаларни шакллантиришнинг назарий асослари**” деб номланади. Унда дастлаб мультимедиали дидактик воситалар яратиш методикасини такомиллаштириш педагогик муаммо сифатида ўрганилиб, сўнгра олий таълим муассалари ўқув жараёнида мультимедиали воситаларидан фойдаланишнинг педагогик имкониятлари ва ОТМларнинг номутахассис таълим йўналишлари учун ахборот технологияларидан

мультимедиали дидактик воситаларни шакллантириш ва фойдаланиш асослари очиб берилган.

Мультимедиа (multi - кўп, media - муҳит) - бу компьютер технологиясининг турли хил физик кўринишга эга бўлган (матн, графика, расм, товуш, анимация, видео ва ҳ.к) турли хил ташувчиларда (оптик диск, флеш хотира ва ҳ.к.) мавжуд бўлган ахборотдан фойдаланиш билан боғлиқ соҳасидир.

Мультимедиа воситалари - бу аппарат ва дастурлар тўплами бўлиб, у инсонга ўзи учун табиий бўлган жуда турли-туман: товуш, видео, графика, матнлар, анимацияларни ишлатган ҳолда компьютер билан мулоқот қилиш имконини беради.

Мультимедиали дидактик воситалар – ҳаракатли, товушли, кўрғазмали ва мультимедиа имкониятларига эга бўлган воситалар тўплами. Бошқачароқ айтганда, мультимедиали дидактик воситалар мультимедиа технологияси ёрдамида ахборот-таълим ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтирувчи электрон қўлланмадир.

Республикамизда замонавий электрон дарсликлар яратиш борасида бир қанча ишлар амалга оширилган. Жумладан, А.А. Абдуқодиров, М.А. Арипов, Н.И. Тайлақов, У.Ш.Бегимқулов, М.Ҳ.Лутфиллаев, Қ.Т.Олимов ва бошқалар ўз тадқиқот ишларида ахборот технологиялари асосида электрон қўлланмалар яратиш, ундан таълим тизимида фойдаланиш масалари билан шуғулланганлиги қайд этилган.

Тадқиқотда мультимедиа иловаларини яратиш учун бугунги кунда бир нечта дастурий воситалар мавжудлиги, улар орасида энг кўп қўлланиб келинаётган дастурлар Power Point, Prezi, ISpring, Yenka, Blender, КОМПАС-3D, Adobe Flash, Autoplay, Camtasia Studio дастурлари эканлиги таҳлил этилган.

Тадқиқот ривожига олий таълим муассалари ўқув жараёнида мультимедиали воситаларидан фойдаланишнинг педагогик имкониятлари очиб берилган. Олий таълим тизимида таҳсил олаётган талабаларга мультимедиа технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда дарс ўтишнинг ижобий самара бериши асосланган. Шунингдек, мультимедиа ўқув воситаларини яратишда ва улардан фойдаланишда локал компьютер ва Интернет тармоғи кенг имкониятларни очиб бериши, мультимедиали ўқув воситаларини бутун дунё компьютер тармоғига жойлаштирилиши, улардан ўқув жараёни фойдаланишда тўғридан тўғри муурожаат қилиш имконини бериши, бу эса талабаларга ахборотларни топиш, излаш ва ўрганиш фаолиятини шакллантириш ва кенгайтиришга замин яратиши келтирилиб ўтилган.

Навбатдаги параграфда ОТМларнинг номурахасис таълим йўналишлари учун ахборот технологияларидан мультимедиали дидактик воситаларни шакллантириш ва фойдаланиш асослари ёритилган.

Дастлаб, мактабгача таълим тизими учун бўлажак тарбиячиларни тайёрлашда мультимедиали воситаларидан фойдаланиш технологиялари хусусида фикр юритилган. Мактабгача таълим йўналишларига оид фанларни

мультимедиали ўқув воситалари асосида ўқитишда видео-маърузалар, анимацион моделлардан фойдаланиш ўз самарасини бериши, чунки улар натурал объектлар ва кўргазмали куролларнинг камчиликларини маълум бир миқдорда ёки тўлиқ қоплаш имконини бериши илмий асосланган. Хусусан, мультимедиали ўқув воситалари асосида ўқитиш қуйидаги афзалликларни келтириб чиқариши уқтириб ўтилган:

талабалар бевосита кўриб бўлмайдиган жараёнларни дастурий воситалар ёрдамида кузатади, яъни визуал кўриш амалга оширилади;

ўқув материаллари чуқурроқ ва мукамалроқ ўзлаштирилади;

вақт тежалади;

олинган билимлар амалда қўлланилади ва ўқувчилар хотирасида узоқ вақт сақланади;

машғулотлар чиройли ўқув кўрмалари асосида ташкиллаштирилади ҳамда талабалар билан интерфаол мулоқот қилиш имкони пайдо бўлади.

Тадқиқот давомида бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш йўналиши талабаларини ўқитишда мультимедиа воситаларини яратиш ва фойдаланиш методикаси хусусида ҳам фикр юритилган. Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш йўналишлари ахборот технологиялари билан боғлиқ фанлар бўйича мультимедиали ўқув воситалари турли табақали ва иқтидорли талабаларга мўлжалланган бўлиши, бу эса уларнинг тузилишининг кўп даражали ва тармоқли-модулли характерга эга эканлиги билан аниқланиши таъкидланган.

Мазкур бобда ОТМларнинг номутахассис таълим йўналишлари учун ахборот технологияларидан мультимедиали дидактик воситаларни шакллантириш жараёни модели такомиллаштирилди, у қуйидаги расмда келтирилган (1-расм).

Номутахассис таълим йўналишлари талабаларида мультимедиали дидактик воситалардан фойдаланишга таъсир қилувчи асосий омиллар қуйидагилар эканлиги келтирилган:


а) дарсда касбга йўналтирилган масалалар, педагогик вазиятлар яратиш, яратилган мотивация мультимедиали дидактик воситалардан фойдаланишга имконият бериши керак;

б) мультимедиали дидактик воситалардан фойдаланиш жараёнини фаоллаштириш учун кўргазмали модулар, мультимедиа воситалари, интернет ресурсларидан фойдаланиш лозим;

в) мультимедиали дидактик воситалардан фойдаланган ҳолда бўлажак ўқитувчиларни касбий компетентлиги тайёргарлигини ҳисобга олиб, ижодий фикрлашга йўналтириш лозим.

Мультимедиа ўқув воситаларини яратишда ва улардан фойдаланишда локал компьютер ва интернет тармоғи кенг имкониятларни очиб беради. Мультимедиали ўқув воситаларининг бутун дунё компьютер тармоғига жойлаштирилиши улардан ўқув жараёни фойдаланишда тўғридан тўғри муурожаат қилиш имконини беради, бу эса талабаларга ахборотларни топиш, излаш ва ўрганиш фаолиятини шакллантириш ва кенгайтириш имкониятларини яратади.

Юқоридагилар билан бирга, мультимедиа ўқув воситаларини яратишда энг аввало турли дастурий воситалар билан яратиладиган интерфаол компонентларга асосий эътиборни қаратиш лозимлиги уқтирилган.



1-расм. ОТМларнинг номутахассис таълим йўналишлари учун ахборот технологияларидан мультимедиа дидактик воситаларни шакллантириш жараёни модели.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Номутахассис таълим йўналишлари учун ахборот технологияларидан мультимедиали дидактик воситаларни шакллантиришнинг амалий асослари**” деб номланади. Унда дастлаб “Таълимда ахборот технологиялари” мультимедиали электрон дарслигини яратишни педагогик лойиҳалаш ва уни яратиш босқичлари кўриб чиқилган.

Ахборотлашган жамиятда ёш авлодни сифатли ўқитишга қаратилган таълимдаги муаммолардан бири мультимедиали дидактик воситалардан етарлича фойдаланилмаётганлиги асосланган. Бу ҳолат узлуксиз таълимнинг барча босқичларида кўзга ташланиши таъкидланиб, олий таълимда мультимедиали дидактик воситалардан кераклича фойдаланилмасликка қуйидаги омилларни сабаб сифатида келтириш мумкинлиги келтирилган:

- мультимедиали дидактик воситаларнинг мазмуни ва унинг вазифаларини тўлиқ аниқланмаган, унинг муаммони ҳал қилишдаги техник ёндашуви ўрганилмаган;

- муаммони ҳал қилишда методик ёрдам етишмайди;

- кўплаб ўқитувчилар янги ахборот воқеликлари ва мультимедиали дидактик воситаларни қабул қилишни истамайди;

- бўлажак педагогларни мультимедиали дидактик воситаларни ўргатишга шарт-шаротининг йўқлиги ва ҳ.к.

Мультимедиали дидактик воситалар (МДВ) - бу талабаларга анъанавий маълумот манбаларига қараганда кўпроқ маълумот беришга, нафақат матн, графика, диаграммаларни, балки овозли, анимацион, видео ва бошқаларни мақсадли бирлаштиришга имкон берадиган истиқболли ва юқори самарали воситалар тўпламидир.

Олий таълим муассасаларида фаолият юритаётган ўқитувчиларнинг медиа маданиятни ўрганишлари, унинг афзалликларини билишлари ва унинг ўзига хос хусусиятлари бўйича маълумот олишлари учун назарий ишланмалар етарли эмас. Олий таълимда медиатаълимни жорий этиш муаммоси билан қатор олимлар шуғулланишган. Аммо ҳозиргача ишлаб чиқилган тавсиялар ва таклифлар талабаларни МДВга тайёрлаш муаммосини тўлалигича еча олмайди. Чунки фанлар бўйича ишлаб чиқилган мавжуд ишчи ўқув дастурлари библиографик жиҳатдан фойдаланувчиларнинг ахборот маданиятини ривожлантиришга йўналтирилган МДВни камраб олмаган.

Мультимедиали ўқув қўлланмалари ва дарсликларидан фойдаланиш орқали талаба нафақат янги мавзу бўйича маълумотларга эга бўлади, у шунинг билан компьютер орқали ахборотлашган таълимга яқинлашади. Фикримизча, таълимни инсонга яқинлаштириш ОТМни мультимедиа ускуналари билан жиҳозлашдан бошланади. Ҳозирда ана шу муаммо ҳам ўзининг ечимини топмаган. Кузатишларимиз шуни кўрсатдики, республикамиздаги ОТМларининг кўпчилигида мавжуд ўқув хоналари мультимедиа воситаларидан фойдаланишга тайёр эмас.

Ҳозирда ОТМларида яратилган педагогик шарт-шароитлар деганда баркамол шахсни шакллантиришни таъминлайдиган замонавий ахборот

технологияларидан фойдаланган ҳолда ташкил этилган ўқув жараёнини яратиш учун зарур бўлган шарт-шароитлар тушунилади. Ушбу шартларга қуйидагилар киради:

- бўлажак педагогларнинг ўз-ўзини ўқитиш, илмий изланишлари учун АКТдан фойдаланишга тайёрлиги;

- бўлажак педагогларнинг ўзини ўзи ўқитиш учун ахборотлаштириш воситаларидан фойдаланишга мотивацион тайёргарлиги;

- ўз-ўзини ўқитиш ва педагогик тадқиқотлар учун ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга рефлексив тайёрлиги;

- талабаларнинг компьютерлашган муҳитда ишлашга тайёрлиги;

- компьютерлаштириш ва ахборотлаштириш соҳасида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий даражасини ошириш учун шароитлар яратиш;

- таълимни ахборотлаштириш жараёнини ушбу масала бўйича илмий, ўқув ва услубий адабиётлар билан таъминлаш.

Олий таълимда турли касб эгалари ўқитилар экан, улар учун ахборот технологияларидан, биринчи навбатда мультимедиадан фойдаланишга ўргатишнинг методик тизими ишлаб чиқилиши зарур. Дарҳақиқат, ҳозирги вақтда замонавий ўқув қўлланмалари мультимедиа воситаларини ишлаб чиқиш долзарб муаммолар сирасига мавжуд.

Мультимедиага асосланиб яратилган таълим манбаларининг муҳим хусусиятлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- улардаги маълумотлар рақамли шаклда тақдим этилади ва турли хил шаклларда (матн, овоз, графика, анимация, видео кўринишида) бўлиши мумкин;

- улардаги маълумотлар гиперматн ва гипермедиа технологиялари асосида ташкил этилади;

- улардаги маълумотлар интерактив равишда тақдим этилади, бу ресурс, дастур, хизмат (бир томондан) ва фойдаланувчи (бошқа томондан) нинг ўзаро таъсирини таъминлаш имкониятини беради.

Тасвирий, овозли ва визуал маълумотлардан фойдаланувчига бир вақтнинг ўзида таъсир кўрсатиши сабабли, мультимедиа воситалари катта ҳиссий таъсирга эга, шунинг учун улар ўқув амалиётида фаол қўлланилади.

Мультимедиа нафақат таълимда, балки бизнес ва реклама соҳасида, кўнгилочар ва ҳордиқ чиқариш саноатида фаол ишлатилади. Бир вақтнинг ўзида катта ҳажмдаги маълумотларни самарали равишда тақдим қилиш керак бўлган барча соҳада мультимедиа иштирок этади. Ривожланаётган ахборот асримизда мультимедианинг таълимий, маданий ва ижтимоий роли ошиб бормоқда, у орқали билим олиш янги шаклда амалга ошмоқда.


Тадқиқотда мультимедиа технологияларининг имкониятлари (графика, анимация, видео, товуш, матн) динамика, интерактивлик, моделлаштириш асосида визуал маълумотларнинг шаклланишини сифат жиҳатидан ўзгартириши уқтирилган. Шу билан бирга, таълимда мультимедиа таълим мазмунини акс этириш учун фаол муҳитни яратишга имкон бериши, уни

визуал интерактив моделлаштириш ва тадқиқ қилиш мумкинлиги қайд этилган. Чунки инсон атрофидаги нарсалар ҳақидаги маълумотларни 90% дан кўпроғини визуал равишда қабул қилади.

Бобда мультимедиа технологияларининг афзалликлари экрандаги билимларни осонликча ўзлаштирадиган янги видео авлод билан ишлаши билан боғлиқлиги асосланган. Матндан кўра кўпроқ ифодали воситаларнинг таъсир доираси кенг бўлиб, у сўз билан эмас, балки аудиовизуал тасвирлар билан ишлаши қайд этилган. Компьютернинг мультимедиа маданияти янги ахборот технологияларига асосланган маълумотларни тасвирий-визуал тақдим этиш орқали талабаларнинг дунёни идрок этишга мойиллигини, ривожланаётган ахборот жамиятида фаолиятга тайёрлигини шакллантириши кўрсатиб ўтилган.

Мультимедиа технологияларининг фаол ривожланиши ва таълимга кириб бориши шароитида, ўқитишнинг фундаментал дидактик тамойиллари сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилганлиги, таълимдаги янги мультимедиа технологияларига мавжуд педагогик пойдеворларни тўғридан тўғри алмаштириш сифатида эмас, балки уларнинг самарадорлигини ошириш учун сифат жиҳатидан янги имконият сифатида қарала бошланиш лозимлиги қайд этилган. Мультимедиа технологиялари туфайли ўқитишда визуализация тамойилини жорий этиш мумкин. Бундан кўринадики, ўқитиш жараёнида янги таълим - мультимедиа дарслик ва ўқув қўлланмаларидан фойдаланиш яхши самара беради. У график кўринишида материални компьютер визуализацияси кўринишида тақдим этади, бу эса билимларни визуал намойиш қилишнинг дидактик жиҳатдан янги шаклидир. Унинг асосий дидактик бирлиги мультимедиа аудио-визуал тасвирдир.

Ўқув жараёнига мультимедиа технологияларини жорий этиш масалаларини бир неча жиҳатлардан кўриб чиқиш керак (2-расм).



**2-расм. Ўқув жараёнида мультимедиа технологияларидан фойдаланиш жиҳатлари.**

Таълимда мультимедиа асосида тузилган ўқув дастурлари ўқитиладиган материалларининг таркибий қисмларининг тизимли тартибланишига, талабаларнинг мустақил равишда мавзу танланишига ва тўлиқ ёки қисқартирилган ўқитишга ёрдам беради. У нафақат ўқитувчи ва талаба ўртасида мустаҳкам алоқа ҳосил қилади, балки ўрганиладиган маълумотни узатиш учун янги имкониятларни пайдо қилади, анъанавий ўқитиш тизимидан тубдан фарқ қилади, замонавий янги муаммолар, ечимлар, янги кесишиш нуқталари пайдо бўлишига ёрдам беради.

Олий таълимда қўлланадиган мультимедиа воситаларининг таснифи 3-расмда келтирилган.



**3-расм. Мультимедиа технологиялари таснифи.**

Мультимедиа дастурий воситалар ўқув фаолиятининг қуйидаги турларининг самарадорлигини оширади:

- аудиовизуал маълумотларни кўриш;
- амалий машғулотлар ёрдамида назарий маълумотлар олиш;
- педагогик назорат ва ўқув натижаларини назорат қилиш;
- атамалар ва тушунчалар луғати билан ишлаш;
- талабанинг ўқитувчи билан интерфаол алоқасини таъминлаш каби.

Тадқиқот ривожиди таълимда мультимедиа ўқитиш воситаларидан фойдаланишнинг амалий - услубий хусусиятлари очиб берилган. Шунингдек, ОТМларда “Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш” ва “Мактабгача таълим” йўналишлари бўйича мутахассисларни тайёрлашда “Таълимда ахборот технологиялари” курси мазмунига қўйиладиган талаблар келтирилган.

Тадқиқотда олий таълим муассасаларининг 5111700 - Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш таълим йўналишининг 1- курсида “Таълимда ахборот технологиялари” фани мазмунида талабалар ўзлаштириши лозим бўлган минимал билим, малака ва кўникмалар мазмунига тўхталиб ўтилган, бунда асосий назарий қисм (маъруза машғулоти) бта модулга бўлинган, унга жами 126 соат ажратилган бўлиб, маъруза 28 соат, амалиёт 40 соат ва мустақил таълим 58 соат. Улар тадқиқотчи томонидан 8 та модулга ажратилган:

1-модул. Замонавий таълимда ахборот технологияларининг асосий тушунчалари. Ахборотларни йиғиш жараёни, узатиш, қайта ишлаш ва тўплаш ҳақида умумий тавсифнома. (10 соат).

2-модул. Ахборотларни тарқатиш жараёнида техник ва дастурлаш воситалари. Санок системалари. (12 соат).

3-модул. Технология тушунчаси. Ахборот технологиялари, уларнинг кўринишлари ва классификацияси. Янги ахборот технологиялари. Янги ахборот технологиялари воситалари. (16 соат).

4-модул. Шахснинг ўқишида, тарбияланишида ва ривожланишида янги ахборот технологияларидан фойдаланиш (18 соат).

5-модул. Педагогик дастурий воситалар. Матн ва график ахборотларни тайёрлаш, таҳлил қилиш ва қайта ишлаш технологияси. (28 соат).

6-модул.Мултимедиа технологияси. (10 соат).

7-модул.Замонавий телекоммуникатсион воситалар ва халқаро компьютер тармоқлари. Электрон почта (24 соат)

8-модул. Масофали таълим. (8 соат)

Тадқиқот давомида олий таълимда таҳсил олаётган номутахассис таълим йўналиши талабалари учун яратилган “Таълимда ахборот технологиялари” фанидан мултимедиа дидактик восита ва ундан фойдаланиш методикаси ёритилган.

“Таълимда ахборот технологиялари” мултимедиа дидактик восита махсус дастурий восита ёрдамида компьютерга ўрнатилади. Унинг бош саҳифасидан лавҳа куйида келтирилган (4-расм.)



**4-расм. “Таълимда ахборот технологиялари” мултимедиа дидактик воситанинг бош ойнаси**

Диссертациянинг учинчи боби “Таълимда ахборот технологиялари”дан мультимедиали дидактик воситалар асосида педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва самарадорлигини аниқлаш” деб номланади, унда дастлаб тажриба-синов ишларининг қўйилиши ва асосий босқичлари мазмуни, сўнгра тажриба синов ишлари таҳлили келтирилган.

Тажриба синов майдончалари сифатида Самарқанд давлат университети, Бухоро давлат университети ҳамда Жиззах давлат педагогика институтлари танлаб олинди (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Тажриба-синов учун танланган гуруҳлардаги талабалар сони ва ўзлаштириш кўрсаткичлари

Т/р	Ўқув йиллари	Тажриба гуруҳи				Назорат гуруҳи			
		Талабаларнинг умумий сони	Юқори	Ўрта	Паст	Талабаларнинг умумий сони	Юқори	Ўрта	Паст
<b>Самарқанд Давлат университети</b>									
1	2016-2017	32	16	12	4	30	6	7	17
2	2017-2018	30	15	12	3	30	4	8	18
3	2018-2019	28	15	10	3	28	5	7	16
<b>Жами:</b>		<b>90</b>	<b>46</b>	<b>34</b>	<b>10</b>	<b>88</b>	<b>15</b>	<b>22</b>	<b>51</b>
<b>Бухоро Давлат университети</b>									
1	2016-2017	28	15	9	4	28	6	8	14
2	2017-2018	27	14	11	2	24	3	8	13
3	2018-2019	27	12	12	3	26	3	9	14
<b>Жами:</b>		<b>82</b>	<b>41</b>	<b>32</b>	<b>9</b>	<b>78</b>	<b>12</b>	<b>25</b>	<b>41</b>
<b>Жиззах Давлат педагогика институти</b>									
1	2016-2017	26	12	11	3	28	4	9	15
2	2017-2018	26	13	9	4	26	4	9	13
3	2018-2019	24	12	9	3	26	5	7	14
<b>Жами:</b>		<b>76</b>	<b>37</b>	<b>29</b>	<b>10</b>	<b>80</b>	<b>13</b>	<b>25</b>	<b>42</b>
<b>Умумий жами:</b>		<b>248</b>	<b>124</b>	<b>95</b>	<b>29</b>	<b>246</b>	<b>40</b>	<b>72</b>	<b>134</b>

Назорат ва тажриба гуруҳларида тажриба якунидаги умумий кўрсаткичлар қуйидагича бўлди (2-жадвал).

### 2-жадвал

#### Назорат ва тажриба-синов гуруҳларининг умумий кўрсаткичлари

Гуруҳлар	Талабалар сони	Ўзлаштириш даражалари		
		Юқори	Ўрта	Паст
Тажриба гуруҳи	248	124	95	29
Назорат гуруҳи	246	40	72	134

Тажриба синов ишларида ўтказилган натижаларнинг самарадорлиги куйидаги диаграммада келтирилган (5-расм).



**5-расм. Тажриба синов ишларида ўтказилган натижаларнинг самарадорлиги**

Математик статистик таҳлиллардан тажриба гуруҳининг кўрсаткичи назорат гуруҳиникига нисбатан 15,3 % га ошганлигини кўриш мумкин.

## ХУЛОСАЛАР

1. Айни вақтда мультимедиали дидактик воситалар яратиш ва улардан фойдаланиш методикасини такомиллаштириш педагогик муаммо сифатида қолмоқда. Шу боис тадқиқотда мультимедиали дидактик воситалар яратиш методикасини такомиллаштириш педагогик муаммо сифатида илмий нуқтаи назардан таҳлил қилинди, хусусан, хорижий ва республикамиз таълим тизими учун мультимедиали дидактик воситаларини яратиш ва уларни таълимга жорий этиш йўналишидаги ишларни таҳлил этиш орқали мультимедиали дидактик воситаларнинг тузилиши ва мазмунига, яратиш мезонлари ва босқичларига кўйиладиган педагогик талаблар такомиллаштирилди.

2. Республикамизнинг барча ОТМларида номутахассис таълим йўналишлари учун ахборот технологияларидан мультимедиали дидактик воситаларни шакллантириш ҳолати талабга жавоб бермайди. Шу боис, тадқиқотда педагогик ОТМларнинг номутахассис таълим йўналишлари учун ахборот технологияларидан мультимедиали дидактик воситаларни шакллантириш ва фойдаланиш асослари тадқиқ этилди.

3. Олий таълим муассасалари учун мультимедиали дидактик воситалар яратиш ва қўллаш алгоритмини такомиллаштириш зарурлиги боис тадқиқотда олий таълим муассасалари номурахасис йўналиши талабалари учун “Таълимда ахборот технологиялари” фанидан мультимедиали дидактик воситалар яратиш ва қўллаш алгоритмини такомиллаштириш орқали ўқув ахборотини кўргазмали-образли, изчил-манتيқий тарзда ҳавола этишни технологиялаштириш методлари воситасида замонавий дидактик воситаларини яратиш ва қўллаш технологияси асослари ва тамойилларини, уларнинг умумий тузилмаси ва ўзига хос хусусиятлари аниқлаштирилди.

4. Олий таълим муассалари ўқув жараёнида мультимедиали воситаларидан фойдаланишнинг педагогик имкониятларини таҳлил қилиш лозим. Тадқиқотда олий таълим муассалари ўқув жараёнида мультимедиали воситаларидан фойдаланишнинг педагогик имкониятлари очиқ берилди. ОТМларнинг номурахасис таълим йўналишлари учун ахборот технологияларидан мультимедиали дидактик воситаларни шакллантириш жараёнининг модели шакллантирилди.

5. ОТМларнинг номурахасис таълим йўналишлари учун ахборот технологияларидан мультимедиали дидактик воситаларни шакллантириш босқичларини аниқлаштириш лозим. Шу маънода тадқиқотда “Таълимда ахборот технологиялари” мультимедиали электрон дарслигини яратишни педагогик лойиҳалаш ва уни яратиш босқичлари такомиллаштирилди.

6. Олий таълим муассасалари учун мультимедиали дидактик воситалар яратиш лозим. Тадқиқотда олий таълим муассасалари учун “Таълимда ахборот технологиялари” фани бўйича мультимедиали дидактик воситалар яратилди ва ундан фойдаланиб “Таълимда ахборот технологиялари” фанидан маъруза, амалиёт дарсларини олиб бориш бўйича илмий асосланган услубий тавсиялар ишлаб чиқилди.

7. Номурахасис таълим йўналишлари учун таълимда мультимедиали ўқитиш воситаларидан фойдаланишнинг амалий - услубий хусусиятларини очиқ бериш лозим. Олий таълим муассаларининг номурахасис таълим йўналишлари учун “Таълимда ахборот технологиялари” фанидан мультимедиали дидактик восита яратилди ва ундан фойдаланиш методикаси ёритилди.

8. Мультимедиали дидактик воситалар асосида педагогик таҳлил, синов ишлари ташкил этилган ва ўтказилган педагогик тажриба-синов натижаларига кўра илмий тавсия ва хулосалар ишлаб чиқиш зарур. Талабаларни мультимедиали дидактик воситалар асосида ўқитиш технологияси бўйича тажриба-синов ишлари Самарқанд давлат университети, Бухоро давлат университети ҳамда Жиззах давлат педагогика институтларида ўтказилди. Тажриба синов ишларида жами 496 нафар талаба иштирок этди. Ўтказилган тажриба-синов ишлари натижалари математик статистика усуллари орқали таҳлил қилинди. Тажриба натижаларини қайта ишлашда Стъудент формуласидан фойдаланилди. Тажриба-синов

ишларидаги натижаларнинг самарадорлиги 15,3% фоизга юқорилиги математик статистика усуллари орқали исботланди.

**УЧЕНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
PhD.03/30.01.2020. Ped.02.06 ПРИ САМАРКАНДСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**РАХИМОВ СОБИР ЗИЯДУЛЛАЕВИЧ**

**МЕХАНИЗМЫ ФОРМИРОВАНИЕ МУЛЬТИМЕДИЙНЫХ  
ДИДАКТИЧЕСКИХ СРЕДСТВ ПОИНФОРМАЦИОННОЙ  
ТЕХНОЛОГИЙ ДЛЯ НЕСПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫХ НАПРАВЛЕНИЙ**

**13.00.01- Теория педагогики. История педагогических учений**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Самарканд – 2022**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2021.1.PhD/Ped1284.

Докторская диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете  
Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.samdu.uz](http://www.samdu.uz)) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

**Тайлаков Норбек Исакулович**

доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты:

**Хамидов Жалил Абдурасулович**

доктор педагогических наук, профессор

**Ибрагимов Аъламжон Амриллоевич**

доктор философии (PhD) по педагогике

Ведущая организация:

**Ургенчский государственный университет**

Защита диссертации состоится «22» 01 2022 года в 14<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06 при Самаркандском государственном университете (адрес: 140104, г. Самарканд, пр. Университетский бульвар, дом 15. Тел.: (0366) 239-12-29, факс: (0366) 239-13-87, e-mail: [Kengash-pf@samdu.uz](mailto:Kengash-pf@samdu.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирован за № 2). (Адрес: 140104, г. Самарканд, проспект Университетский бульвар, дом 15. Тел.: (0366) 239-11-51).

Автореферат диссертации разослан «8» 01 2022 года.  
(Реестра протокола рассылки № 15 от «8» 01 2022 г.).



**Х.И.Ибраимов**  
Председатель Научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.п.н., профессор

**Ш.Р. Ураков**  
Ученый секретарь Научного совета по  
присуждению ученых степеней,  
д.ф.п.н. (PhD)

**Н.Ш.Шодиев**  
Председатель научного семинара при Научном  
совете по присуждению ученых степеней,  
д.п.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Тенденции развития мирового сектора образования указывают на важность более широкого внедрения современных дидактических инструментов обучения в информированном обществе и дальнейшего повышения их эффективности. В контексте научных подходов к формированию глобальной образовательной среды, характерной для европейских стран, мегатенденции показывают, что создание и совершенствование использования ими современных дидактических средств в обеспечении непрерывности и практической направленности образования, направления самостоятельного образования, творческого развития, разработки новых форм образования имеют особое значение.

В результате стремительного развития мультимедийных технологий во всем мире хранение, обработка, обращение и представление непрерывной информации различных типов выросли до уровня, который стал заметен в последующие годы. Практическое использование мультимедийных средств в зарубежных университетах, ряд проектов и научных исследований по внедрению современных дидактических средств во все виды образования создали возможности не только изменить внешний вид информационного пространства, но и правильно организовать качественный и целенаправленный образовательный процесс.

Определение возможности использования компьютерных технологий в образовательных учреждениях в условиях современной рыночной экономики в Республике является одним из важнейших показателей применения таких технологий в учебном процессе. Сегодня повышение потенциала национальных ресурсов нашей страны приобретает особое значение за счет совершенствования программно-методического обеспечения организации обучения в высших учебных заведениях, организационно-педагогических практик подготовки будущих учителей на основе отечественного и мирового образовательного опыта.

В нашей стране особое внимание уделяется вопросам повышения потенциала национальных ресурсов нашей страны путем совершенствования программно-методического обеспечения организации обучения в высших учебных заведениях, организационно-педагогических процессов будущей педагогической подготовки на основе отечественного и мирового образовательного опыта. В концепции развития системы народного образования до 2030 года приоритетными задачами являются такие, как «Повышение уровня компьютеризации в образовательном процессе с учетом современных тенденций развития информационно-коммуникационных технологий; организация подготовки и издания учебников и учебно-методической литературы нового поколения с использованием информационно-коммуникационных технологий; принятие мер по

систематической организации”<sup>1</sup>. В связи с этим важно изучить научно-методические аспекты совершенствования содержания и принципов формирования мультимедийных дидактических средств из информационных технологий для неспециализированных образовательных направлений в высших учебных заведениях Республики.

Данная диссертационная работа в определенной степени послужит для реализации задач, определенных в указах Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, №УП-5349 «О мерах по дальнейшему совершенствованию сферы информационных технологий и коммуникаций» от 19 февраля 2018 года, № УП-5712 «Об утверждении концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года» от 29 апреля 2019 года, № УП-5847 «Об утверждении концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года» от 8 октября 2019 года, а также в Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан № 571 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Самаркандского государственного университета» от 24 июля 2018 года, а также в других нормативно-правовых актах, касающихся данной области деятельности.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики I. «Формирование системы инновационных идей социального, правового, экономического, культурного, духовно-нравственного развития информационного общества и демократического государства и пути их реализации».

**Степень изученности проблемы.** В докторских диссертациях ученых СНГ и Российской Федерации Т.А.Гудковой, Г.Л.Абдулгалимовой, М.М.Абдуразакова освещена проблема методики подготовки будущих учителей информатики.

